

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ДАДАХАНОВ МУСОХОН ХОШИМХОНОВИЧ

**ҚЎЛЁЗМА МАТНИ ТАСВИРИГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Дадаханов Мусохон Хошимхонович

Кўлёзма матни тасвирига дастлабки ишлов бериш алгоритмлари 3

Дадаханов Мусохон Хошимхонович

Алгоритмы предварительной обработки изображений рукописного
текста.....21

Dadakhonov Musokhon Khoshimkhonovich

Pre-processing algorithms of images of handwritten text 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ДАДАХАНОВ МУСОХОН ХОШИМХОНОВИЧ

**ҚЎЛЁЗМА МАТНИ ТАСВИРИГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1097 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Фозилов Шавкат Хайруллаевич техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Қобулов Анвар Василович техника фанлари доктори, профессор
	Бекмуратов Қосим Аллабердиевич техника фанлари номзоди, доцент
Етақчи ташкилот:	«UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» июнь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (204 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «11» июнь куни тарқатилди.
(2021 йил «08» июнь даги 16 рақамли реестр баённомаси.)



Р.Х.Ҳамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралнев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.А.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда компьютер кўриш тизимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада тасвирдаги объектларни таҳлил қилиш, таниб олиш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва амалга ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ, Россия Федерацияси, Франция, Швейцария, Греция, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда қўлёзма матн тасвирларини таҳлил қилиш ва уни таниб олишнинг назарий ҳамда амалий муаммоларини ҳал қилишга катта эътибор берилмоқда.

Жаҳонда қўлёзма матни тасвирларини қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини яратиш учун мавжуд усул ва алгоритмларни такомиллаштиришга, шунингдек янги ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишга қаратилган кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тизим аниқлиги эса берилган қўлёзма матнни тасвири сифатига жиҳатдан боғлиқ бўлиб, тасвир сифатини ошириш учун, жумладан бинарлаш, сатр ва сўзларни сегментлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда мазкур йўналишда суд-ҳуқуқ тизимида қўлёзма матнлари рақамли тасвирларини таҳлил қилишни автоматлаштирилган тизимларини ишлаб чиқиш ва кенг жорий этишга, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида тезкор тергов ҳаракатларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... иқтисодиётга, ижтимоий соҳага, бошқарув тизимларига ... судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш»¹ каби вазифалар белгиланган. Хусусан, ушбу вазифаларни амалга оширишда қўлёзма матнини таниб олиш муҳим масалалардан бири бўлиб, бу давлат идораларида сақланадиган қўлёзма матнлар асосида шакллантирилган катта ҳажмли маълумотларни қайта ишлаш жараёнини автоматлаштириш имконини беради. Шунинг учун қўлёзма матн рақамли тасвирларини таҳлил қилиш усул ва алгоритмларини, жумладан тасвирларга дастлабки ишлов бериш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқотлари маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2158-сонли «Иқтисодиётнинг реал секторида ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил 18-апрелдаги ПҚ-2898-сонли «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари» қарори,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сонли «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологи ялари ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда тасвирларга ишлов бериш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, тимсолларни таниб олиш, шунингдек уларни амалиётга жорий этиш М.Булаку, Х.Бунке, Б.Гатос, Л.Местецкий, И.Пратикакис, Ж.Саувола, И.Сиддики, С.Срихари, А.Шлапбах ва бошқа хорижий олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонда тасвирларга ишлов бериш ва тимсолларни таниб олишнинг назарий асосларини ривожлантиришга М.М.Камилов, З.Т.Адилова, Ф.Т.Адилова, Э.М.Алиев, Ш.Х.Фозилов, Р.Ҳ.Ҳамдамов, Р.А.Лутфуллаев, Н.М.Мирзаев, С.С.Содиқов, Ш.Е.Туляганов ва бошқалар катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда қўлёзма матни тасвирларини таҳлил қилиш тизимлари юқори суръатларда ривожланмоқда, чунки бу тизимлар банк соҳаси, почта алоқаси, суд экспертизаси ва бошқа соҳаларда қўлёзма матнни таниб олишда кенг қўлланилади. Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили кўпинча берилган қўлёзма матни тасвирлари етарли даражада сифатли бўлмаслигини, бу эса уларни қайта ишлаш жараёнини автоматлаштиришда турли муаммоларни келтириб чиқишини кўрсатди. Бугунги кунга қадар тасвир сифатини оширишнинг бир қатор усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилганига қарамай, қўлёзма матни тасвирлари сифатини оширадиган янги усул ва алгоритмларни такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқиш муаммоси етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А-5-003 «Қўлёзма матнларни таҳлил қилиш тизимининг алгоритмик ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалий қўллаш» (2015-2017) мавзуси ҳамда №БВ-Атех-2018 (240+147) «Юз тасвирларини оқимли қайта ишлаш асосида шахсни идентификация қилиш алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қўлёзма матни тасвирларига дастлабки ишлов бериш алгоритмларини ишлаб чиқиш, дастурий амалга ошириш ва амалий

қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қўлёзма матни тасвирларини қайта ишлаш ва таниб олиш муаммоларининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

берилган қўлёзма матни тасвири сифатини миқдорий баҳолаш муаммосини тадқиқ қилиш;

тасвирдаги даврий равишда такрорланадиган тўғри чизиқларни ажратиш; қўлёзма матни тасвирини бинарлаштириш;

тасвирдаги қўлёзма матн сатрлари ва сўзларини сегментация қилиш;

қўлёзма матни тасвирларига дастлабки ишлов бериш учун яратилган алгоритмларни тажрибавий тадқиқ қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

қўлёзма матни тасвирларига дастлабки ишлов бериш дастурлар мажмуасини яратиш ва амалий қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти қўлёзма матни рақамли тасвирлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети қўлёзма матни тасвирларига дастлабки ишлов бериш усул ва алгоритмлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларини олиб бориш давомида тизимли таҳлил усуллари, дискрет математика, эҳтимоллар назарияси, математик статистика, тимсолларни таниб олиш ва рақамли тасвирларга ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

берилган қўлёзма матни тасвири сифатини эталонсиз баҳолашга асосланган ва қўлёзма матни тасвирларини таҳлил қилиш тизимини яратишда ишлов бериш алгоритмлари кетма-кетлигини қуриш жараёнини автоматлаштириш имконини берувчи ёндашув ишлаб чиқилган;

тасвирдаги тўғри чизиқлар кўринишидаги ҳалақитларни бартараф қилиш ва қўлёзма матни сатрларини сегментация қилишга асосланган тасвирдаги даврий равишда такрорланувчи тўғри чизиқларни ажратиб олиш алгоритми ишлаб чиқилган;

матнни қайта ишлаш натижаларига варақнинг орқа тарафидаги матннинг билиниб қолиши, варақдаги эгриланишлар ва бир текис ёритилмаганлик каби ҳалақитларнинг таъсирини бартараф қилиш ёки камайтириш ҳисобига қўлёзма матни тасвирини бинарлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган;

қўлёзма матннинг сатрларнинг нопараллеллиги ва тўлқинсимонлиги, битта сўз доирасидаги ҳарфларнинг узилиб қолиши каби ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлган ҳолларда сегментация натижалари турғунлигини таъминлаш асосида тасвирдаги қўлёзма матнини сатрлар ва сўзларга сегментация қилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагидан иборат:

қўлёзма матни тасвирларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш тизимларининг кирувчи тасвирларга дастлабки ишлов бериш қисмида амалий фойдаланиш учун йўналтирилган алгоритмик таъминот ишлаб чиқилди;

берилган қўлёзма матни тасвири сифатини миқдорий баҳолаш, ундаги даврий равишда такрорланувчи тўғри чизикларни ажратиш, қўлёзма матни тасвирини бинарлаштириш, тасвирдаги қўлёзма матни сатрлари ва сўзларини сегментация қилиш учун дастурлар мажмуа ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги алгоритмларни ишлаб чиқишда рақамли тасвирларга ишлов бериш ва тимсолларни таниб олишнинг математик аппаратининг тўғри қўлланилиши ҳамда тажрибавий тадқиқотларнинг ижобий натижалари билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган алгоритмлар тасвирларга ишлов бериш назарий асосларини тасвирлар сифатини ошириш қисмини янада ривожлантиришга маълум ҳисса қўшишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган дастурий мажмуа қўлёзма матни тасвирларини қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг амалий тизимларини яратиш учун таркибий қисм сифатида фойдаланилишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари қуйидаги объектларга жорий қилинган:

қўлёзма матни тасвирлари сифатини миқдорий баҳолаш, бинарлаштириш ва сегментация қилиш алгоритмлари асосида яратилган дастурий мажмуа қўлёзма экспертизасини ўтказиш учун Наманган вилояти ички ишлар бошқармасининг экспертиза ва криминалистика бўлимига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 4 январдаги 33-8/27-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларини қўллаш қўлёзманинг сифатли намуналарини танлаш жараёнини автоматлаштириш ҳисобига қўлёзма экспертизаси учун сарфланадиган вақтни ўртача 16%га қисқартириш имконини берган;

қўлёзма матни тасвирларини бинарлаштириш, такрорланувчи тўғри чизикларни ажратиш, сегментация қилиш алгоритмлари асосида яратилган дастурий мажмуа архив қўлёзма ҳужжатларини қайта ишлаш учун Наманган вилоят Ҳокимлигининг архив бўлимига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 4 январдаги 33-8/27-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш асосида архив ҳужжатлари сифати яхшиланган ва ушбу ҳужжатларни қўлда ишлов бериш муддатини ўртача 20%га қисқартириш имконини берган.

қўлёзма матни тасвирлари сифатини миқдорий баҳолаш, бинарлаштириш ва сегментация қилиш алгоритмлари асосида яратилган дастурий мажмуа қўлёзма экспертизасини ўтказиш учун Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бошқармасининг экспертиза ва криминалистика бўлимига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 4 январдаги 33-8/27-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларини қўллаш қўлёзманинг сифатли намуналарини танлаш жараёнини автоматлаштириш ҳисобига қўлёзма экспертизасини ўтказишга сарфланадиган вақтни ўртача 16%га қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқотнинг асосий натижалари 19 та илмий ишда чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган ҳамда 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлик даражаси асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фани ва технологияларининг устувор йўналишлари мослиги белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги асослаб берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши рўйхати, ишнинг синов натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Қўлёзма матни тасвирларини таҳлил қилиш масаласи**» деб номланган биринчи бобида қўлёзма матни тасвирларини таҳлил қилиш муаммосининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш натижалари ва ушбу муаммони ҳал қилиш усуллари келтирилган бўлиб, таҳлил қилинган ҳар бир усулнинг афзалликлари ва камчиликлари баён этилган. Бундан ташқари, қўлёзма матни тасвирларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш соҳасида мавжуд бўлган асосий муаммолар шакллантирилган. Қўлёзма матни тасвирини қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг маълум усуллари ва алгоритмларини кўриб чиқиш асосида ушбу тадқиқот йўналишини ривожлантириш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари аниқланган ҳамда ушбу илмий ишнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

1.1-параграфда қўлёзма матни тасвирини таҳлил қилишнинг замонавий жамиятдаги ўрни ва роли, машинада терилган матнни таҳлил қилиш масаласидан қўлёзма матнни таҳлил қилиш масаласининг фарқ қилувчи ўзига хос томонлари кўрсатилган.

Матнни ёзиш жараёни физиологик хусусиятларга боғлиқ бўлиб, қўлёзма матн стандартлаштирилмаган, яъни у муайян бузилишларга дуч келади, моҳиятан индивидуал, олдингисига ўхшаш бўлмайди. Бундан ташқари, машинали ёзувда белгилар бир-биридан технологик интервал билан

ажратилган. Қўлёзма матнларида асосан сўзни ифодалашда алоҳида белгиларни қўшиб ёзиш учрайди. Қўлёзма ва машинали ёзув матни орасидаги санаб ўтилган фарқлар қўлёзма матни таҳлил қилиш ва таниб олиш муаммоси босма матни таҳлил қилиш ва таниб олиш муаммога нисбатан анча мураккаб эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, қўлёзма матни таҳлил қилиш ва таниб олиш муаммосини ҳал қилишнинг мураккаблиги алоҳида шахсинг ёзуви доирасидаги қўлёзма белгиларнинг сезиларли даражада ўзгарувчанлиги, табиий тасвир нуқсонларини мавжудлиги, тизимдан фойдаланиш жараёнида маълум бир шахс ёзувини ўрганиш қобилиятини етишмаслиги билан белгиланади. Шунинг учун қўлёзма матнини таниб олишнинг белгилар ўзгарувчанлиги ва тасвир нуқсонларига бардошли бўлган янги усулларини ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

1.2-параграфда қўлёзма матни тасвирларини таҳлил қилиш асосида ҳал қилинадиган амалий масалалар ва уларни ҳал қилиш усуллари келтирилган бўлиб, ушбу масалаларни ҳал қиладиган тизимларни яратишда тасвирларга дастлабки ишлов бериш босқичининг аҳамияти ёритиб берилган.

Қўлёзма матни рақамлаштириш босқичида техник ёки инсон омили туфайли қўлёзма матн тасвири бузилиши ёки маълум даражада халақит қўшилиши, айрим ҳолларда манбанинг ўзи (масалан, қадимий қўлёзма) ёмон аҳволда бўлиши мумкин. Шунинг учун 1.3-параграфда амалиётда энг кўп учрайдиган бузилиш ва уларни бартараф этиш ва қўлёзма матни тасвирларини қайта ишлаш натижаларига таъсир даражасини камайтиришнинг мавжуд алгоритмлари кўриб чиқилган. Қўлёзма матннинг ўзига хос хусусиятларидан ташқари, уни таҳлил қилиш жараёнини автоматлаштиришни мураккаблаштирадиган омилларга қуйидагилар киради: геометрик бузилишлар, нотекис ёрилганлик, заиф контраст, варақнинг орқа қисмидаги матн элементлари кўриниши, хира матн, тузатилган хатолар, доғлар, бурмалар ва бошқалар.

Қўлёзма матни тасвирларига ишлов бериш ва таҳлил қилиш муаммоси ҳолатини таҳлил қилиш натижалари асосида диссертация ишининг мақсади ва вазифалари 1.4-параграфда келтирилган.

Диссертация ишининг «**Қўлёзма матни тасвирларига дастлабки ишлов бериш алгоритмлари**» номли иккинчи боби берилган тасвир сифатини баҳолаш ва сифатини ошириш алгоритмларини таҳлил қилиш ҳамда танлашга тавсия этилган ёндашувни тавсифлашга, чизиқларни ажратиш ва қўлёзма матни тасвирини бинарлаштириш бўйича ишлаб чиқилган алгоритмларга бағишланган.

2.1-параграфда қўлёзма матни тасвирини таҳлил қилиш тизимларини ишлаб чиқишда юзага келадиган берилган қўлёзма матни тасвири сифатини эталонсиз баҳолаш муаммоси ўрганилган. Тасвир сифатини миқдорий баҳолаш масаласи жуда мураккаб масала бўлиб, шубҳасиз, унинг ечими дастлабки ишлов бериш алгоритмларини қўллашнинг самарали стратегиясини қуриш имкониятини таъминлайди. Бу эса келгусида таҳлил қилиш учун мос келадиган ва чиқишда юқори сифатли тасвирни олишга имкон беради.

Берилган қўлёзма матни тасвири ёрқинлигини миқдорий эталонсиз баҳолаш учун қуйидаги формула бўйича ҳисобладиган мезондан фойдаланилган

$$Y_{av} = \frac{1}{k} \sum_{i=0}^{k-1} Y_b(i),$$

бу ерда $Y_b(i) = \frac{Y_{av}(i)}{255}$; $Y_{av}(i) = \frac{1}{m \cdot n} \sum_{x=1}^m \sum_{y=1}^n 0.299 \cdot R(i \cdot m + x, i \cdot n + y) + 0.587 \cdot G(i \cdot m + x, i \cdot n + y) + 0.114 \cdot B(i \cdot m + x, i \cdot n + y)$.

Y_{av} қиймати $[0,1]$ оралиқда бўлиб, $Y_{av}=0$ қиймати мутлоқ қора тасвирга ва $Y_{av}=1$ эса мутлоқ оқ тасвирга мос келади. Оптимал ёрқинликда бўлган тасвирда Y_{av} қиймати 0,5 га яқин бўлиши керак.

Ёрқинлик контрастини баҳолаш мезони сифатида ўрта квадратик оғишнинг максимал ёрқинлик қийматига нисбатидан фойдаланилади:

$$C = \frac{2\sigma}{255},$$

бу ерда $\sigma = \sqrt{\frac{1}{M \cdot N} \sum_{x=1}^M \sum_{y=1}^N (Y_{av} - Y(x, y))^2}$; $Y_{av} = \frac{1}{M \cdot N} \sum_{x=1}^M \sum_{y=1}^N 0.299 \cdot R(x, y) + 0.587 \cdot G(x, y) + 0.114 \cdot B(x, y)$.

Бунда C нинг қиймати $[0, 1]$ оралиқда бўлиб, $C = 0$ монотон тасвирга ва $C = 1$ эса максимал контрастга тўғри келади. Оптимал контраст қиймати тасвирда акс этган объект турига боғлиқ.

Берилган қўлёзма матни тасвиридаги ҳалақит даражаси ва тасвир хиралашганлик даражасини баҳолаш учун реал саҳналарни статистик таҳлил қилишга асосланган машҳур BRISQUE алгоритми қўлланилган. Ушбу алгоритм натижаларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги қоидалар шакллантирилган:

- 1) агар $B \in [0, 25]$ бўлса, у ҳолда тасвир сифатли;
- 2) агар $B \in [50, 60]$ бўлса, у ҳолда тасвир ҳалақит кўшилган;
- 3) агар $B \in [70, 75]$ бўлса, у ҳолда тасвир хиралашган; (1)
- 4) агар $B \in [61, 69]$ бўлса, у ҳолда тасвир ҳалақит кўшилган ва хиралашган;
- 5) агар $B \in [90, 100]$ бўлса, у ҳолда тасвир хиралашган ва ҳалақит кўшилган.

Бу ерда B – BRISQUE алгоритми ёрдамида олинган тасвир сифатининг баҳоси.

Сўнгги икки қоида фақат таъсир элементлари тартиби билан фарқланади. Бу тасвир сифатини яхшилаш алгоритмларини қўллаш тартибини кўрсатади.

Ишнинг 2.2-параграфи қўлёзма матни тасвирларига дастлабки ишлов бериш алгоритмларини таҳлил қилиш ва танлашга бағишланган бўлиб, унда кенг тарқалган алгоритмларнинг қўлланиш шартлари ҳамда ютуқ ва камчиликлари баён этилган.

2.3-параграф тасвирдаги чизиқларни ажратиш масаласи ечишга бағишланган. Кўпинча қўлёзма матни хошияли қоғозга ёзилади. Шунинг учун

қўлёзма матни тасвирларини қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг муҳим масаласи уларни кейинчалик олиб ташлаш учун тасвирдаги тўғри чизиқларни ажратиш ҳисобланади.

Таклиф этилаётган алгоритм тасвирдаги чизиқлар даврий равишда такрорланиб туриши ҳақидаги априор билимга асосланган. Шу нуқтаи назардан, чизиқни такрорланиш қадамини аниқлаш орқали тасвир қисмида тўғри чизиқ бор ёки йўқлигини юқори эҳтимоллик билан тасдиқлаш мумкин. Бундан ташқари, ушбу алгоритмни амалга ошириш тасвирдаги сатрларни ажратиш заруриятини бекор қилади.

A1 алгоритм тасвирдаги тўғри чизиқларни ажратиш алгоритми қуйидагича амалга оширилади.

1-босқич. Берилган тасвирда тўғри чизиқлар ρ_i , θ_i ($i=1, \dots, k$) параметрларини Хаф алгоритми орқали аниқланади.

2-босқич. ρ_i , θ_i параметрлар қийматлари асосида тасвирдаги тўғри чизиқлар даври аниқланади.

1-қадам. Бурчаклар яқинлиги матрицаси элементлари ҳисобланади:

$$a_{ij} = \begin{cases} 1, & \text{агар } |\theta_i - \theta_j| < \varepsilon_\theta \text{ бўлса, } i, j=1, \dots, k. \\ 0, & \text{акс ҳолда;} \end{cases}$$

2-қадам. Агар $\frac{1}{2} \sum_{i,j=1}^k a_{ij} > t$ шарт бажарилса, у ҳолда 3-қадамга, акс ҳолда 5 қадамга ўтилади.

3-қадам. Масофалар матрицаси элементлари ҳисобланади:

$$d_{ij} = \begin{cases} |\rho_i - \rho_j|, & \text{агар } a_{ij} = 1 \text{ бўлса, } i, j=1, \dots, k. \\ c, & \text{акс ҳолда;} \end{cases}$$

4-қадам. Δ қадамнинг қиймати сифатида d_{ij} да энг кўп учровчи сон қабул қилинади ($\Delta \neq c$).

5-қадам. Тамом.

2.4-параграф тасвирни бинарлаштириш масаласини ҳал қилишга бағишланган. Бинарлаштириш – бу қўлёзма матни тасвирларига ишлов бериш ва таҳлил қилиш тизимларини ишлаб чиқишнинг муҳим босқичларидан бири. Ушбу ишлов бериш босқичининг натижалари ишлаб чиқилган тизим натижаларига сезиларли даражада таъсир қилади. Шунинг учун тасвирни қайта ишлаш ва компьютер кўриши соҳасидаги тадқиқотчилар ушбу масалани ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратишади.

Таклиф этилаётган **A2 бинарлаш алгоритми** морфологик амалларга асосланган ва қуйидаги босқичлардан иборат.

1-босқич. *Дастлабки ишлов бериш босқичи.* Ушбу босқичда дастлаб берилган тасвир силлиқланади. Бунда фон текстурасини силлиқлаш ва матн ҳамда фон орасидаги ёруғликни ошириш учун адаптив Винер фильтри қўлланилади. Винер фильтрининг умумий кўриниши қуйидагича:

$$I(x, y) = \mu + \frac{(\delta^2 - v^2)(I_s(x, y) - \mu)}{\delta^2},$$

бу ерда $\mu - 3 \times 3$ ўлчамли ойнадаги ўртача қиймат, $\delta^2 - 3 \times 3$ ўлчамли ойна дисперсияси, $v^2 -$ дисперсиянинг ўртача қиймати.

2-босқич. Юқори ва қуйи интенсивликка эга бўлган нуқталарни ажратиш босқичи. Мазкур босқичда юқори ва қуйи интенсивликка эга бўлган нуқталарни ажратиш учун силлиқланган қўлёзма матни тасвирида мос равишда туташтириш ва ажратиш амаллари бажарилади. Ажратиш ва туташтириш амалларининг умумий кўриниши қуйидагича.

Ажратиш амали:

$$I_o(x, y) = I(x, y) \otimes S_{m \times n} = (I(x, y) \oplus S_{m \times n}) \ominus S_{m \times n}.$$

Туташтириш амали:

$$I_c(x, y) = I(x, y) \otimes S_{m \times n} = (I(x, y) \ominus S_{m \times n}) \oplus S_{m \times n},$$

бу ерда $I(x, y) \oplus S_{m \times n}$ – тузилмалаштирувчи элемент $S_{m \times n}$ кучайтириш амали; $I(x, y) \ominus S_{m \times n}$ – тузилмалаштирувчи элемент $S_{m \times n}$ емириш амали. Ушбу босқичда $S_{m \times n}$ тузилмалаштирувчи элемент сифатида $S_{1 \times 7}$ элемент қуйидаги кўринишда олинган:

$$\boxed{1 \quad 1 \quad 1 \quad 1 \quad 1 \quad 1 \quad 1}.$$

3-босқич. Тасвирлар фарқларини шакллантириш. Олдинги босқичда олинган тасвирлар фарқи бўлган тасвир вертикал чегара нуқталарни ажратиш ғояси асосида шакллантирилади ва улар қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$D(x, y) = abs(I_o(x, y) - I_c(x, y)).$$

4-босқич. Туташув. Мазкур босқичда $D(x, y)$ тасвир билан $S_{5 \times 5}$ тузилмалаштирувчи элемент таъсирлаштирилади. Бунда туташувдан ҳосил бўлган $D_c(x, y)$ қуйидаги формула орқали ҳосил қилинади.

$$D_c(x, y) = D(x, y) \otimes S_{5 \times 5}.$$

5-босқич. Бинарлаш. Ушбу босқичда қуйидаги формула асосида 4-босқичда олинган тасвир бинар тасвирга ўтказилади.

$$B(x, y) = \begin{cases} 255, & \text{агар } D_c(x, y) > t_o \text{ бўлса;} \\ 0, & \text{акс ҳолда,} \end{cases}$$

бу ерда t_o бинарлаш бўсағаси бўлиб, у Отсу усули орқали аниқланади [43].

Тажрибавий тадқиқотлар тасвирни бинарлаш учун тавсия этилган алгоритмдан фойдаланиш, асл тасвирда сканерланган ҳужжатнинг тескари томони элементларини кўриниб қолиши ва ёритилганликдаги кучли ўзгаришлар оқибатида пайдо бўлган бузилишларга эга бўлган ҳолатларда ҳам, фойдаланишга яроқли натижаларни олиш имконини беришини кўрсатди. Шу билан бирга, тасвирда морфологик амалларни қўллаш таклиф қилинган алгоритмнинг маълум алгоритмларга нисбатан паст тезликда ишлайди. Чунки ушбу амаллар кўп ресурс талаб қиладиган амаллар ҳисобланади.

Диссертация ишининг «**Тасвирдаги қўлёзма объектларни сегментация қилиш ва ингичкалаштириш алгоритмларини ишлаб чиқиш**» номли учинчи бобида тасвирдаги сатр ва сўзларни сегментация қилиш, сатрларни текислаш ва қўлёзма объектларни ингичкалаштириш масалалари кўриб чиқилган ҳамда ушбу масалаларни ҳал қилиш учун алгоритмлар таклиф қилинган.

3.1-параграфда қўлёзма матни тасвиридаги сатр ва сўзларни сегментация қилиш бўйича ишлаб чиқилган алгоритм тавсифи келтирилган. Маълумки, сегментация қилиш алгоритмлари тасвирдаги муҳим ҳудудларни кейинги таҳлил қилиш учун ажратиб олишга имкон беради. Тўғри сегментация қилиш қўлёзма матни тасвирларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш тизимларининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Қўлёзма матни тасвиридаги сатрларни сегментация қилиш мураккаб масала ҳисобланади, чунки чизиқлар параллел бўлмаган, эгилган, бир-бирига яқин бўлиши мумкин, турли сатрлардаги матн элементлари бир-бирининг устига чиқиши мумкин.

Машинада терилган матндан фарқли равишда қўлёзма матндаги сўзларни сегментация қилиш масаласининг мураккаблиги машинада терилган матнда сўзлар орасидаги масофа нисбатан доимий ва сўз ичидаги харфлар орасидаги масофа сўзлар орасидаги масофадан анча кам бўлади, қўлёзма матнда сўзлар орасидаги масофа кучли ўзгарувчан бўлиши мумкин.

Таклиф этилаётган қўлёзма матн сатр ва сўзларини ажратиш **A3 алгоритми** проекцион таҳлил ғоясига асосланади. Бунинг учун дастлаб чизиқларини аниқроқ олиш мақсадида тасвир чапланади. Ушбу алгоритм қуйидаги босқичлардан иборат.

1-қadam. Берилган B бинар тасвирга ўлчами $l \times l3$ бўлган, структуравий S элементи билан морфологик ёпилиш амали қўлланилади:

$$B' = B \otimes S.$$

2-қadam. B' тасвир k та тенг (ёки тахминан тенг) B_t ($t = \overline{1, k}$) қисмларга ажратилади.

3-қadam. Ҳар бир B_t блок учун қуйидаги формула асосида горизонтал проекция ҳисобланади:

$$P_t(i) = \sum_{j=1}^N B_t(i, j), \quad i = 1, \dots, M.$$

Тасвир қисми проекцияси юқори чўққига эга горизонтал ўқлар сатр номзодлари сифатида қабул қилинади.

4-қadam. Проекциядаги сатрларни ажратувчи чизиқлар ажратиб олиниши учун ҳар бир қисм учун бўсағалар қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланади:

$$\theta_t = \frac{1}{M} \sum_{j=1}^M P_t(i)$$

ва сатрлар ажратилади:

$$L_t(i) = \begin{cases} 1, & \text{агар } P_t(i) > \theta_t; \\ 0, & \text{акс ҳолда.} \end{cases}$$

5-қadam. Олинган ҳар бир сатрда сўзларни сегментациялаш учун вертикал проекция 3-қadam амаллари каби ҳисобланади ва бу проекцияни таҳлил қилиш асосида сўзлар ажратиб олинади.

Тасвирдаги матн оғишини баҳолаш ва уни текислаш учун қуйидаги босқичлардан иборат **A4 алгоритм** таклиф этилган.

1-қadam. Матн сатрлари бўлган қора узлуксиз чизиқларни олиш учун B бинар тасвирга катта ўлчамли ниқобли морфологик ёпилиш оператори қўлланилади:

$$B_c(x, y) = B(x, y) \otimes S_{m \times n}.$$

2-қadam. Сатрости ва сатрусти ёй ёки чизиқлар сабабли ҳосил бўлган чизиқлардаги шовқинни йўқотиш учун олинган B_c тасвирга кичик ўлчамли квадрат ниқобли морфологик очилиш оператори қўлланилади:

$$B_o(x, y) = B_c(x, y) \odot S'_{m \times n}.$$

3-қadam. B бинар тавирига морфологик ёпилиш оператори қўлланилади:

$$B_c(x, y) = B(x, y) \otimes S'_{m \times n}.$$

4-қadam. Қора пикселдан оқ пикселга вертикал ўтиш нуқталари таянч чизиқлар учун номзод сифатида қабул қилинади.

5-қadam. Узунликлари маълум бир бўсагадан ошиб кетадиган таянч чизиқлар танланади.

6-қadam. Ҳар бир таянч чизиқнинг бурилиш бурчаги аниқланади ва уларнинг медианаси умумий текислаш бурчаги сифатида қабул қилинади.

7-қadam. Берилган тасвир текислаш бурчагига бурилади.

Тасвирда қўлёзма объектнинг тузилишини таҳлил қилишда кўпинча топологик таҳлил ва объектларни таснифлаш учун фойдали бўлган ихчам ва тахминий шаклда объектни акс эттириш ва характерлаш зарур. Таниб олиш учун зарур бўлган белгиларни ажратиб олиш учун қўлёзма объектлар чизиқларини скелет шаклида ифодалаш қулай ҳисобланади. 3.3-параграфда қўлёзма объектларни ингичкалаштиришнинг маълум усуллари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил этилган.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқилган алгоритмларнинг тажрибавий тадқиқи ва амалий қўлланилиши**» номли тўртинчи боби қўлёзма матн тасвирларига дастлабки ишлов бериш бўйича тавсия этилган ва мавжуд алгоритмларга асосланган дастурий мажмуани яратиш, тажрибавий тадқиқотлар ва амалий масалаларга бағишланган.


4.1-параграфда тавсия этилган ва мавжуд алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган «NWTPreprocessing» дастурий мажмуанинг умумий схемаси, функционалиги ва график интерфейси келтирилган бўлиб, дастурий мажмуа Python тилида объектли дастурлаш методологиясини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва қўлёзма матни тасвирларига дастлабки ишлов бериш учун мўлжалланган.

Дастурий мажмуа ўзаро боғлиқ дастурий модуллардан иборат, қўлёзма ҳужжатларнинг асл тасвирларига ишлов беришнинг автоматлаштирилган ва (ёки) интерактив режимини таъминлайди, фойдаланувчилар учун қулай интерфейсга эга. Тизимнинг тузилмавий схемаси 1-расмда келтирилган.

Тажрибавий тадқиқотлар учун маълумотлар базасини шакллантириш жуда машаққатли жараёндир, шунинг учун уларнинг мавжудлиги барча тадқиқот соҳаларида алгоритм ва тизимларни ишлаб чиқиш ҳамда баҳолашда жуда муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун 4.2-параграф қўлёзма матн тасвирларининг энг кенг тарқалган базалари ва уларнидан фойдаланиш мақсадлари шарҳига бағишланган. Стандарт маълумотлар базаларининг

мавжудлиги нафақат тадқиқотчи учун дастлабки маълумотлар муаммосини ҳал қилади, балки унга ишлаб чиқилган алгоритмлар ва умуман тизим самарадорлигини объектив баҳолаш, шунингдек ишлаб чиқилган алгоритмларни мавжудлари билан таққослаш имкониятини беради.

Тажрибавий тадқиқотлар учун IUNT (Images of Uzbek Handwritten Text) деб номланган маълумотлар базаси шакллантирилган бўлиб, у 373 та муаллифга тегишли бўлган, 2242 та А4 форматидаги қўлёзма матнларнинг сканерланган саҳифаларидан иборат. Саҳифалар 600 dpi аниқликда сканерланган ва JPEG форматида кулранг тасвир кўринишида сақланган.



1-расм. «HWTPreprocessing» дастурлар мажмуасининг тузилмавий схемаси

4.3-параграфда “HWTPreprocessing” дастурий мажмуаси ва олдинги параграфда кўриб чиқилган қўлёзма матни тасвирлари маълумотлар базаларидан фойдаланиб олиб борилган тажрибавий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Берилган тасвирни сифатини баҳолаш асосида уни яхшилашнинг у ёки бу алгоритмидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилиш қоидаларини тузиш учун қуйидаги тажрибалар схемаси қўлланилди.

Берилган тасвирнинг бузилиш турини аниқлаш учун IUNT тасвирлар базасидан энг юқори сифатли тасвирлар визуал кўриниши бўйича танлаб олинади. Кейин ушбу тасвирлар қуйидаги тасвир бузилиш ҳолатларини моделлаштириш учун ўзгартирилди: ёркинлик ўзгариши, контраст ўзгариши, хиралашиш ва ҳар хил халақитларни қўшиш. Бузилган тасвир сифати ва унинг бузилиш усулининг миқдорий баҳоларини билиб, бу бузилишни йўқотишнинг самарали алгоритминини аниқлаш мумкин.

Қуйида жадвалда тасвир бузилишларини моделлаштириш учун қўлланилган кўрсаткичлар келтирилган.

4.4-параграфда “HWTPreprocessing” дастурий мажмуасини архив ҳужжатлари тасвирлари сифатини ошириш ва қўлёзма матн тасвирларидан фойдаланган ҳолда шахсни идентификациялаш бўйича амалий масалаларни ҳал қилишда амалий қўлланилиш натижалари келтирилган.

Ҳозирги кунда ташкилот ва муассасалар архивларида фақат бир нусхадан иборат бўлган кўплаб архив ва тарихий ҳужжатлар мавжуд. Уларни баъзиларида нотўғри сақлаш ёки жисмоний шикастланишлар натижасида нуқсонлар (ёриқлар, доғлар, қирилган ва бошқалар) юзага келган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, баъзи бир қўлёзма ҳужжатларида матн устки қатламларида белгилар мавжуд бўлиб, улар матнни ўқишлигини мураккаблаштиради. Тасвир кўринишдаги матнли маълумотларини рақамлаштириш орқали ушбу диссертация ишининг олдинги бобларида таклиф қилинган тасвирга дастлабки ишлов бериш алгоритмлари ёрдамида нафақат ҳужжатларни ишончли сақлаш, балки уларни визуал сифатини яхшилаш ҳам мумкин.

Жадвал.

Тасвир бузилишларини моделлаштириш учун берилган маълумотлар

т/ р	Бузилиш	Формуласи	Кўр- сат- кич	Мин. қий- мат	Макс. қиймат	Қадам
1.	Ёрқинлик ўзгариши	$\hat{I} = I \cdot \left(1 + \frac{dI}{100}\right)$	dI	-70	70	10
2.	Контраст ўзгариши	$\hat{I} = \left(I - I_{min} - \frac{I_{max} - I_{min}}{2}\right) \cdot \frac{\alpha}{100} + I_{max} + \frac{I_{max} - I_{min}}{2}$	α	10	100	10
3.	Хиралашиш	sxs ўлчамли Гаусс фильтри	s	3	15	2
4.	Гаусс халақити	$p(z) = \frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{(z-\mu)^2}{2\sigma^2}}$	μ σ^2	0 0	0,2 0,1	0,05 0,01
5.	Импульс халақити	$1 - P_s$	P_s	0	0,2	0,05

Ташкилот ва муассасалар архивларида сақланаётган қўлёзма ҳужжатлар тасвирлари сифатини ошириш муаммоси пайдо бўлади. Диссертация ишида ушбу муаммо Наманган шаҳар ҳокимлигининг архив ҳужжатлари мисолида ҳал қилинган. Унинг моҳияти куйидагича бўлган.


32000 дан ортиқ тасвирлардан иборат қўлёзма архив ҳужжатлари базаси берилган. Ушбу тасвирларнинг сифатини яхшилаш ва ушбу тасвирлардаги матнни ўқишни осонлаштирадиган дастурий таъминот шаклида воситалар тўпламини яратиш керак.

Тасвирларни таҳлил қилиш орқали юқорида санаб ўтилган асосий муаммолардан ташқари, кўпинча матнни ўқишни мураккаблаштирадиган кичик белгилар, асосий матндаги устки чизиклар ва қуйи чизиклар кўринишидаги халақитлар мавжуд бўлиши аниқланди. Шунинг учун қўйилган масала иккита қисм масалага ажратилган:


- ёрқинлик контрастни яхшилаш ва халақитларни йўқотиш;
- асосий матн ва белгилардан иборат тасвирни қатламларга ажратиш.

Биринчи қисм масалани ечиш тасвир сифатини оширишда маълум ва тавсия этилган алгоритмларни дастурий жорий этилиши ёрдамида амалга оширилди. Бунда берилган тасвирлар тўпламида бир хил амалларни бажаришга имкон берувчи маълумотларни пакетли ишлаш жараёни амалга оширилган.

Иккинчи қисм масалани ечиш учун тасвир ранг бўйича сегментлаш амалга ошириш орқали ундаги асосий матн қатламлари ва белгилари шакллантирилди. Тажрибалар натижалари тасвирдан асосий матнни ўқишга халақит берадиган қатламларни олиб ташлаш (2-расм) архив ҳужжатлари ўқиш қобилиятини оширишга имкон беришини кўрсатди. Бу Наманган ҳокимлиги Архив бўлими мутахассислари томонидан ҳам тасдиқланди.



а)



б)

2-расм. Қизил рангли тузатишлар ва матнларни йўқотиш орқали олинган (а) берилган тасвирга ишлов бериш натижаси (б)

Ушбу диссертация иши доирасида ишлаб чиқилган дастурий ва алгоритмик таъминот Наманган вилояти ҳокимлиги Архив бўлимида жорий этилиб, унда мавжуд бўлган кўлёзма ҳужжатларига ишлов беришда фойдаланилди. Дастурий таъминотдан фойдаланиш кўлёзма ҳужжатларига ишлов бериш муддатини 20 фоизга қисқартиришга ва улардаги матнни ўқиш учун қулай ҳолга келтиришга имкон берди.

Компьютерли кўриш соҳасидаги кўплаб мутахассисларнинг фикрига кўра, кўлёзма матнини таҳлил қилиш асосида ҳал қилинадиган энг кенг тарқалган ва муҳим масалалардан бири матн муаллифини аниқлаш масаласидир.

Қўлёзма матни экспертизасини амалга ошириш учун экспертиза давомида изчил тадқиқ қилиш учун ишлаб чиқилган махсус методика мавжуд.

Услуб анъанавий равишда 4 босқичга бўлинади:

- 1) дастлабки тадқиқотлар;
- 2) батафсил тадқиқотлар;
- 3) тадқиқот натижаларини баҳолаш ва эксперт хулосаларини шакллантириш;
- 4) ўтказилган эксперт тадқиқотлари натижаларини расмийлаштириш.

Терговчининг қўлёзма экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарори билан танишишдан бошланадиган тадқиқотнинг дастлабки босқичи шартли равишда беш босқичга бўлинади:

- 1) экспертизага тақдим этилган материаллар билан танишиш;
- 2) тадқиқот масалаларини ўрганиш;
- 3) терговчининг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорида кўрсатилган ишнинг ҳолатлари билан танишиш;
- 4) дастлабки экспертиза ва ҳужжат-ашёвий далилларни текшириш;
- 5) қиёсий материалларни дастлабки баҳолаш.

Хулосанинг илмий асосланганлиги кўп жихатдан терговчи ёки суд томонидан экспертга тақдим этилган таққослаш материалининг (қўлёзма намуналари) миқдори ва сифатига боғлиқ. Фақатгина юқори сифатли қўлёзма намуналари мавжуд бўлганда, идентификация объектларини қиёсий тадқиқ қилиш жараёнида мутахассис ўзига юклатилган вазифаларни ҳал қилиши мумкин. Шунинг учун таққослаш материалларини дастлабки баҳолаш қўлёзма билан боғлиқ экспертизани ўтказишда муҳим масала ҳисобланади. Аммо шуни таъкидлаш керакки, ушбу босқич жуда машаққатли ва эксперт томонидан текширувга сарфланадиган вақтнинг 20% гача қисми шу ишга сарфланади. Шу муносабат билан ушбу жараёни автоматлаштириш масаласи пайдо бўлди.

Ушбу диссертация иши доирасида ишлаб чиқилган дастурий таъминот ва алгоритмик таъминот Наманган вилояти ИИБ Суд экспертизаси бўлимлари ва Наманган вилояти Косонсой тумани ИИБнинг амалий фаолиятига тадбиқ қилинди ва ундан қўлёзма экспертизалар пайтида қиёсий материалларини дастлабки баҳолаш босқичида фойдаланилди. Дастурий таъминотдан фойдаланиш қўлёзма экспертизаларини ўтказиш вақтини 16 фоизга қисқартиришга имкон берди.

Диссертациянинг **иловасида** тадқиқот натижаларининг амалий қўлланилишини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг нусхалари мавжуд.

ХУЛОСА

«Қўлёзма матни тасвирига дастлабки ишлов бериш алгоритмлари» мавзусида олиб борилган диссертация тадқиқотининг асосий натижалари асосида қуйидаги асосий хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Қўлёзма матни тасвирига дастлабки ишлов беришнинг мавжуд алгоритмлари таҳлили асосида уларнинг ютуқ ва камчиликлари аниқланди. Бундан ташқари қўлёзма матн тасвирларига хос бўлган асосий хусусиятлар аниқланди. Бундан ташқари, қўлёзма матн тасвирларига хос бўлган, машинада ёзилган матн тасвирларини таҳлил қилишнинг анъанавий алгоритмлари уларни қайта ишлашга имкон бермайдиган асосий хусусиятлари аниқланди.

2. Берилган тасвир сифатининг миқдорий баҳосига асосланган қўлёзма матни тасвирлари сифатини ошириш учун самарали алгоритмни танлаш ёндашуви таклиф қилинди. Ушбу ёндашув қўлёзма матни тасвирларини таҳлил қилиш тизимларини яратишда ишлов бериш алгоритмлари кетма-кетлигини қуришни автоматлаштиришга имкон беради.

3. Қўлёзма матни тасвиридаги даврий равишда такрорланадиган тўғри чизиқларни ажратиш алгоритми ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритм тасвирдаги тўғри чизиқ кўринишдаги ҳалақитларни йўқотиш ва тасвирдаги қўлёзма матн сатрларини сегментлаш имконини беради.

4. Морфологик амалларни қўллашга асосланган қўлёзма матни тасвирини бинарлаштириш алгоритми ишлаб чиқилди. Олиб борилган тажрибавий тадқиқотлар натижалари ушбу алгоритм варақнинг орти томонидаги мантни кўриниши, варақни букилиши натижасида ҳосил бўлган чизиқлар ва тасвир нотекис ёритилганлиги шароитларда ҳам турғун эканлигини кўрсатди.

5. Тасвирдаги қўлёзма матн сатрлари ва сўзларини сегментация қилиш учун тасвирни тенг қисмларга ажратиш ва морфологик амаллар ёрдамида хиралаштиришга асосланган алгоритм ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритм қўлёзма матн сатрларининг нопараллел ва тўлқинсимон бўлиши, битта сўз ичидаги ҳарфларнинг узилиб қолиши каби ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлганда ҳам сегментация қилиш натижаларининг барқарорлигини таъминлайди.

6. Қўлёзма матни тасвирлари дастлабки ишлов беришнинг мавжуд ва таклиф этилган алгоритмларни ягона интерфейсга бирлаштирувчи дастурий мажмуа ишлаб чиқилди. Мазкур дастурий мажмуадан қўлёзма матн тасвирларига дастлабки ишлов бериш ва уларни таҳлил қилиш амалий тизимларини асосий қисми сифатида фойдаланиш мумкин.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ДАДАХАНОВ МУСОХОН ХОШИМХОНОВИЧ

**АЛГОРИТМЫ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЙ ОБРАБОТКИ ИЗОБРАЖЕНИЙ
РУКОПИСНОГО ТЕКСТА**

05.01.03 – Теоретические основы информатики

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/T1097.

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Фазылов Шавкат Хайруллаевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Кабулов Анвар Васильевич**
доктор технических наук, профессор

Бекмуратов Косим Аллабердиевич
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: «UNICON.UZ»-центр научно-технических и маркетинговых исследований

Защита диссертации состоится «22» июня 2021 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №204). (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «11» июня 2021 года.
(протокол рассылки №16 от «08» июня 2021 г.).



Председатель

Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Ф.М.Нуралиев
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

М.А.Исманлов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется разработке систем компьютерного зрения. В этой области одной из актуальных задач является разработка, усовершенствование и внедрение методов и алгоритмов анализа и распознавания объектов на изображении. В зарубежных странах, в том числе в США, Российской Федерации, Франции, Швейцарии, Греции, Иране, Индии и других странах, большое внимание уделяется решению теоретических и практических задач анализа изображений рукописного текста и его распознавания.

В мире ведутся широкомасштабные научно-исследовательские работы, направленные на усовершенствование существующих методов и алгоритмов, а также разработку новых вычислительных алгоритмов для создания автоматизированных систем обработки и анализа изображений рукописного текста. При этом считается, что точность результатов работы этих систем во многом определяется качеством входных изображений рукописного текста. В связи с этим, разработка алгоритмов повышения качества исходного изображения, включая его бинаризацию, сегментацию строк и слов на изображении является одной из важных задач.

В нашей республике в этом направлении особое внимание уделяется разработке и широкому внедрению автоматизированных систем анализа цифровых изображений рукописных текстов в судебно-правовую систему, а также для осуществления оперативно-следственных действий в силовых структурах. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, в том числе, «... внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления. ... в деятельность судов»¹. В частности, в реализации указанных задач одним из важных вопросов является распознавание рукописных текстов, позволяющее автоматизировать процесс обработки больших массивов информации, представленных рукописными текстами, которые хранятся в государственных учреждениях. Поэтому развитие методов и алгоритмов анализа цифровых изображений рукописных текстов, в том числе методов и алгоритмов предварительной обработки этих изображений, является актуальной проблемой.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, определенных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, постановлениями Президента №ПП-2158 от 3 апреля 2014 года «О мерах по дальнейшему внедрению информационно-коммуникационных технологий в реальном секторе экономики», №ПП-2898 от 18 апреля 2017 года «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере расследования преступлений», №ПП-4996 от 17 февраля 2021 года «О мерах

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

по созданию условий для ускоренного внедрения технологий искусственного интеллекта», а также другими нормативно-правовыми актами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. В последние годы задачи разработки и усовершенствования методов обработки изображений, распознавания образов, а также их практическое применение исследованы в научных трудах М.Булаку, Х.Бунке, Б.Гатоса, Л.Местецкого, И.Пратикакиса, Ж.Саувола, И.Сиддики, С.Срихари, А.Шлапбаха и других зарубежных ученых.

В Узбекистане в развитие теоретических основ распознавания образов и обработки изображений большой вклад внесли М.М.Камилов, З.Т.Адилова, Ф.Т.Адилова, Э.М.Алиев, Ш.Х.Фозылов, Р.Х.Хамдамов, Р.А.Лутфуллаев, Н.М.Мирзаев, С.С.Садиков, Ш.Е.Туляганов и другие.

В настоящее время высокими темпами развиваются системы анализа изображений рукописного текста, так как эти системы находят широкое применение для распознавания рукописного текста в банковской сфере, почтовом ведомстве, криминалистике и других сферах. Анализ исследований, проведенных в этом направлении, показывает, что часто исходные изображения рукописного текста являются не очень качественными, что затрудняет автоматизацию процесса их обработки. Несмотря на то, что к настоящему времени разработан ряд методов и алгоритмов повышения качества изображений, однако при этом в недостаточной степени исследована проблема усовершенствования существующих и разработка новых методов и алгоритмов, обеспечивающих повышение качества изображений рукописного текста.

